



FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF MIGRATION PROCESSES IN THE CENTRAL ASIAN REGION: ON THE EXAMPLE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Durdona I. Madaminova

*head of the department, candidate of political sciences, associate professor
Tashkent State University of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Central Asia, migration, Uzbekistan, socio-economic, political.

Received: 11.05.23

Accepted: 13.05.23

Published: 15.05.23

Abstract: This article presents the characteristics of the development of migration processes in the Central Asian region and the impact on the socio-economic and political development of the countries of the region, as well as the issues of ensuring security and stability, the measures taken in this regard in the Republic of Uzbekistan, the state of their legal security, and the analysis of practical results.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА

Дурдона И. Мадаминова

*кафедра мудири, с.ф.н., доцент
Тошкент давлат шарқишунослик университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Марказий Осиё, миграция, Ўзбекистон, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий.

Аннотация: Ушбу мақолада Марказий Осиё минтақасидаги миграцион жараёнларнинг ривожланиш хусусиятлари ва минтақа давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий равнақи, шунингдек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига таъсири, Ўзбекистон Республикасида бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар, уларнинг ҳуқуқий таъминланганлик ҳолати ҳамда амалий натижалар таҳлили келтирилган.

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ МИГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОМ РЕГИОНЕ: НА ПРИМЕРЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Дурдона И. Мадаминова

заведующая кафедрой, кандидат политических наук, доцент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Центральная Азия, миграция, Узбекистан, социально-экономические, политические.

Аннотация: В данной статье представлена характеристика развития миграционных процессов в Центральноазиатском регионе и их влияние на социально-экономическое и политическое развитие стран региона, а также вопросы обеспечения безопасности и стабильности, принимаемые меры в этом отношении в Республике Узбекистан, состояние их правового обеспечения и анализ практических результатов.

КИРИШ

Глобаллашув шароитида таҳдидларнинг трансмиллий хусусият касб этиши ҳамда хавфсизликнинг яхлит ва узвий эканлиги борасидаги қарашлардан келиб чиққан ҳолда, Яқин Шарқдаги сиёсий воқеъликнинг Марказий Осиёга нисбатан бевосита таъсир кўрсатиши ва уларнинг ўзаро алоқадор эканлигини инкор этиб бўлмайди. Марказий Осиё минтақаси геостратегик аҳамиятининг муҳим жиҳатларидан бири, унинг Яқин Шарқ минтақаси билан бевосита чегарадош эканлиги билан белгиланади. Мазкур минтақалар умумий империялар ва давлатчилик таъсирида ўзаро алоқадор бўлган тарихий тараққиётни бошдан кечирганлар.

Глобал ва минтақавий миқёсдаги сиёсий жараёнларнинг ўзгарувчанлиги шароитида Марказий Осиёда давлатлари ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилган ва яқин ҳамкорликка асосланган қарорларни ишлаб чиқиш зарурати юзага келади. Зеро, шу йўл билан миграцион, чегара ва ҳудуд, сув-энергетика, транспорт-коммуникация муаммоларига ечим топиш мумкин. Бу борада минтақа давлатлари ўртасидаги узоқ йиллик тарих, кадрият ва анъаналарнинг ўзаро узвий боғлиқлигини ва мавжуд омил миграцион жараёнларни тартибга солишда ижобий таъсир кўрсатишини унутмаслигимиз лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

2019 йил бошларида олинган маълумотларга кўра, Марказий Осиё ҳудудида 71,3 млн. киши истиқомат қилган бўлиб, бу Россия аҳолисининг тенг ярмини ташкил этади. Демографик ўсиш суръатларининг мавжуд темпи сақланиб қолишини ҳисобга олган ҳолда, 2050 йилга келиб, минтақадаги аҳоли сонининг 94,4 млн.га етишини тахмин қилиш мумкин.

Минтақа давлатларида кузатилган ички кўчишлар, меҳнат ва таълим миграцияси ҳамда “ақлий кўчишлар” Марказий Осиё давлатларида ўзини турлича намоён қилибгина қолмай, балки мазкур давлатлар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига комплекс (ижобий ва салбий) тарзда таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодчи олим З.Қодирова Марказий Осиё давлатлари мисолида миграцион жараёнларни таҳлил қилган ҳолда, Собиқ Иттифоқ парчалангач, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби давлатлар ишчи кучини етказиб берувчи давлатларга айлангани хусусида фикр билдирган. Олимнинг фикрича, меҳнат муҳожирларининг пул ўтказмалари, мазкур давлат даромадларининг муҳим манбаи ҳисобланади. Зеро, мазкур маблағ Тожикистон ЯММ ҳажмининг 40-45%ини, Қирғизистон ЯММ ҳажмининг 30-35%ини ҳамда Ўзбекистон ЯММ ҳажмининг 10-15%ини ташкил этади. БМТ маълумотларига кўра, хорижда меҳнат қилувчи муҳожирларнинг 5,5 млн.га яқини Марказий Осиё давлатлари ҳиссасига тўғри келади ва бу умумий аҳоли сонининг 7,7%ини ташкил этади.

Марказий Осиё минтақасидаги миграцион жараёнларга демографик омиллар ҳамда иш ўринларининг тақчиллиги сабаб бўлмоқда. Шу боисдан, мазкур омиллар хусусида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Демографик омил. Маълумки, Марказий Осиёнинг кўпсонли ёшлардан иборат ва тез суръатлардан ўсиб бораётган аҳоли сони давлатлар олдида янги иш ўринлари ва ижтимоий инфратузилмани яратиш каби муҳим вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Марказий Осиёда аҳоли сонининг ўсиш суръатлари йилига ўртача 1,8%ни (ЕИда мазкур кўрсаткич 0,2%ни) ташкил этади

Марказий Осиё аҳолисининг 55,6% қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Қишлоқ жойларидаги ойлик маоши ҳамда аграр соҳадаги самарадорликнинг пастлиги, малакасиз ёки юқори малакага эга бўлмаган ёшларнинг ўз бандлигини таъминлаш мақсадида хорижий давлатларга чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Иш ўринларининг тақчиллиги. З.Қодирова минтақамиздаги мавжуд вазият хусусида тўхталалар экан, қуйидагича фикр билдиради: “Гарчанд Марказий Осиё давлатлари иқтисодий тараққиётнинг турли йўлларида кетаётган бўлсаларда, муҳим аҳамиятга молик бўлган айрим жиҳатларда ўхшашликлар кўзга ташланади:

Биринчидан, Марказий Осиё давлатлари МДХнинг бошқа давлатларидан фарқли ўлароқ, сиёсий ислохотларни амалга оширишда ўта эҳтиёткорлик билан иш юритадилар. Давлатнинг бевосита иштирокидаги меҳнат бозорларида самарадорликнинг пасайиши ва айрим вазиятларда коррупцион ҳолатларни учратиш мумкин.

Иккинчидан, Марказий Осиё давлатлари тўғридан-тўғри денгиз йўлларига чиқиш имконига эга бўлмаганликлари боис, маҳсулотларни экспорт қилишда Россия, Хитой ва Эрон каби давлатларга боғланиб қолмоқдалар.

Минтақа давлатлари минерал ресурслари (нефть, табиий газ, олтин ва металллар)га бой бўлиб, мазкур соҳаларга хорижий инвестицияларни жалб қилган бўлсаларда, бошқа соҳаларга инвестициялар етарлича жалб қилинмаган ҳамда ўсиш суръатлари тобора ортиб бораётган меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламлари учун янги иш ўринлари яратилмаган”.

COVID-19нинг тарқалиши билан боғлиқ вазият, бир қатор сабабларга кўра Марказий Осиё давлатларининг жиддий ташвишига сабаб бўлди. Расмий маълумотларга кўра, айти пайтда минтақада 78 млн.дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан, 36 млн. киши Ўзбекистонда, 19 млн. киши Қозоғистонда, 10 млн. киши Тожикистонда, 7 млн. киши Қирғизистонда ҳамда 6 млн. киши Туркманистонда истиқомат қилади. Миграция жараёни худудимизга COVID-19нинг кириб келишига хизмат қилиш билан бир қаторда, пандемия даврида минтақа давлатлари равнақида миграцион жараёнларнинг турли миқёсдаги таъсирга эга эканлигини англаш имконини берди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2020 йилда, яъни пандемия шароитида хорижий давлатлардан 500 мингдан зиёд ватандошимиз Ўзбекистонга олиб келинган.

Бугунги кунда, ҳаракатланаётган миграцион оқимларнинг катта қисми Марказий Осиё каби ривожланаётган минтақа давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Марказий Осиё минтақасидаги миграцион жараёнларнинг кечишида, демографик салоҳияти тобора ортиб бораётган Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ўзининг демографик хусусияти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига кўра, бозор муносабатларига ўтиш ва трансформация жараёнида муҳожирларни юборувчи давлат сифатида халқаро меҳнат бозорининг фаол иштирокчиларидан бирига айланди.

Маълумки, XX асрнинг 90-йилларида эмиграцион жараёнлар кўлами интенсив тарзда кечган бўлиб, буни мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида Ўзбекистонни 1,2 млн. киши тарк этгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумотларга кўра, уларнинг 40%ни зиёлилар ва юқори малакали кадрлар ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан берилган маълумотларга кўра, 2019 йилда Ўзбекистонга кириб келганлар сони 2 минг кишини, давлатни тарк этганлар сони эса, 10 500 кишини ташкил этган. Мавжуд кўрсаткичлар аввалги йилларда ҳам кузатилган. Шунга кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистонга кириб келувчилар, давлатни тарк этувчилар сонига нисбатан анча пасайганини кузатиш мумкин. Бугунги кунда республикамизда ҳаракатланаётган миграцион оқимларнинг катта қисми, айнан меҳнат муҳожирлари ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

маълумотларига кўра, 2018 йилда давлатимиз ҳудудидан ташқарида 2,6 млн. киши меҳнат қилган бўлиб, у Ўзбекистон аҳолисининг 8%га тўғри келади.

Муаммонинг аҳамиятга молик жиҳати шундаки, ортга қайтган ҳамюртларимиз иш ўринларининг тақчиллиги билан боғлиқ муаммога дуч келмоқдалар. Иқтисодчи олим Э.Мухитдиновнинг фикрича, “коронавирус ишсизлиги” шароитида республикаимиз бу борада синовли кунларни бошдан кечирди. 2020 йилда ХМТ билан ҳамкорликда ўтказилган вебинарда ишсизлик сонининг ортиши ҳисобига, меҳнат бозори жиддий босим остида қолаётгани таъкидланган. Шу билан бир қаторда, 498 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқаролари ўз Ватанига қайтгач, доимий даромад манбаисиз қолиб кетаётгани маълум қилинган.

2016 йилда Ўзбекистон ҳукуматида рўй берган ўзгаришлар ва президент Ш.М.Мирзиёвнинг ҳокимият тепасига келиши муносабати билан, давлат миқёсида миграция сиёсати алоҳида эътибор қаратила бошлади. Эндиликда, хориждаги ўзбек мигрантларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кўламини ошириш, улар учун қулай меҳнат шароитларини яратиш ҳамда шахсий хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир жиддий чоралар кўрила бошлади. Натижада, давлат миқёсида мигрантларга нисбатан шаклланган салбий қарашлардан воз кечилиб, уларга нисбатан давлат ЯИМни оширишга муносиб ҳисса қўшган қатлам сифатида эътибор берила бошлади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, 2018 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Халқаро миграция ташкилоти аъзолигини қабул қилди. Сўнгги йилларда хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга бўлган муносабат тубдан ўзгартирилиб, меҳнат мигрантлари билан илк бор бевосита мулоқот ўрнатилди. Шу билан бир қаторда, уларнинг муаммо ва эҳтиёжлари яқиндан ўрганилиб, уларни ҳал этишга қаратилган янги тизим жорий этилди.

Ўзбекистон президенти Ш.Мирзиёевнинг фикрича: “Миграция жараёни, айниқса, унинг асосий қисмини ташкил этувчи меҳнат миграцияси жараёни муайян вақтларда кучайиб-пасайиш тенденциясига эга бўлиб, маълум ҳудуд, мамлакат, минтақа ижтимоий ҳаётига ўзининг ижобий, салбий керак бўлса, сиёсий таъсирини ўтказди”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатини жадаллаштириш борасида тўрт асосий йўналиш белгилаб берилган:

Биринчи йўналиш, хориждаги ватандошлар, ўзбек диаспоралари ва уларнинг жамоат ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш.

Иккинчи йўналиш, ташқи меҳнат миграцияси ва у билан боғлиқ бўлган одам савдоси соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Учинчи йўналиш, хорижга ишлашга кетишдан олдин фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро сертификатларни бериш

борасидаги чора-тадбирларни тизимли равишда ва жадал тарзда ҳаётга тадбиқ этиш. Шу билан бирга, меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш амалиётини кенгайтириш.

Тўртинчи йўналиш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш, жумладан, уларнинг бандлиги таъминлаш, касбий малакасини ошириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш кабилар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда юзага келган миграцион вазиятни ҳисобга олган ҳолда, миграцион жараёнларни тартибга солишга қаратилган бир қатор ижобий саъй-ҳаракатлар амалга оширилган. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сон “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштиришга бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги фармони, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармони (83-мақсад), 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 13-банди, 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сонли “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-149-сон “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори кабиларнинг қабул қилиниши, мисол бўла олади. Ўзбекистон Республикаси миграцион сиёсатининг хусусияти, тартибга солинмаган ва ноқонуний миграцияни тартибга солиш, юқори малакали мутахассислар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш орқали, уларнинг чиқиб кетишига йўл қўймаслик, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда меҳнат муҳожирларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси 13 та Конвенцияга қўшилган бўлиб, улардан бири “Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенциядир. Шунингдек, республикада меҳнат миграцияси бўйича хусусий агентликлар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Давлатлар томонидан миграция билан боғлиқ мураккаб ва муҳим аҳамиятга молик бўлган муаммоларга эътибор қаратилиши, меҳнат миграцияси билан боғлиқ жараёнларнинг либераллаштирилиши, шунингдек, тартибга солинган ва ишчи кучи экспорти тажрибасининг амалиётга татбиқ этилиши

кабилар Ўзбекистонда миграцияга оид давлат сиёсатининг модернизациялашаётганидан далолат беради.

Сиёсатшунос олим С.Сафоевнинг фикрича, Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсати ва иқтисодиётининг мустақил субъекти сифатида тикланиши, ўз навбатида, унинг дунё миқёсидаги сиёсий жараёнларга кучли таъсир кўрсатувчи муҳим омилга айланишига хизмат қилди. Марказий Осиё узоқ йиллар давомида унут бўлган ва эътибордан четда қолган ўлка сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан қайта кашф этилди. Дунё унинг халқаро иқтисодий, сиёсий муносабатлар ва цивилизациялараро алоқаларга қўшилишига катта умид боғлади. Айтилган пайтда, Марказий Осиё халқаро хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарлар манбаига айланиши мумкинлиги ҳам аён бўлиб қолди. Шунга кўра, тезкор суръатларда ишга туширилган янги “Катта ўйин” доирасида ташқи кучларнинг Марказий Осиёга нисбатан ўз таъсирини ўтказишга қаратилган рақобатнинг турли вариант ва кўринишлари таҳлил қилина бошлади. Эътиборга молик жиҳати шундаки, Марказий Осиё минтақасидаги мустақил давлатларнинг шаклланиши, барқарор давлатчилик институтларига эга бўлган жамиятларни ҳам беқарорлаштиришга қодир бўлган, мисли кўрилмаган глобал хавфларнинг юзага келиши билан бир вақтда рўй берди.

Мавжуд вазиятда минтақаларнинг цивилизацион ва этник алоқадорлигидан келиб чиққан ҳолда, XX асрнинг 90-йилларидан эътиборан, Ғарб манбаларида Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақаларини ўзаро боғлиқ макон сифатида таснифлашга бўлган кўплаб уринишлар кўзга ташлана бошлади. Жумладан, америкалик геостратег олим З.Бжезинский ўзининг “Буюк шахмат тахтаси” номли асарида, “Евросиё Болқони” концепциясини илгари сурган бўлиб, унга кўра, олим мазкур минтақаларни миллий-этник ва ҳудудий муаммоларга эга эканлиги ҳамда терроризмнинг авж олганлиги нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқ эканлигини эътироф этади. “Евросиё Болқони” макони Жанубий-Шарқий Европа, Марказий Осиё, Жанубий Осиё, Форс кўрфази ва Яқин Шарқ минтақаларини ўз ичига камраб олган. “Евросиё Болқони” геосиёсий жиҳатдан Россия, Хитой, Туркия ва Эрон каби куч марказлари ўртасида тарихий алоқадорлик ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзаро баҳсли ҳудуд сифатида катта аҳамият касб этади. Аммо, кейинги йилларда Марказий Осиё минтақасида рўй берган сиёсий воқеалар ривожини, З.Бжезинскийнинг мавжуд ёндашуви бугунги кунга келиб, ўз моҳиятини йўқотганлигини кўрсатмоқда. Буни, 2016 йилдан кейинги даврда Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий режимнинг ўзгариши ҳамда президент Ш.Мирзиёев томонидан қўшни давлатлар билан чегара муаммоларини ҳал этиш борасидаги очиқлик сиёсатининг амалга оширилаётгани билан боғлаш мумкин.

Юқоридагилар билан бир қаторда, АҚШнинг (айниқса, кичик Ж.Буш маъмурияти (2000-2008 йй.) даврида) Яқин Шарққа нисбатан сиёсатида рўй берган ўзгаришлар ва у

билан боғлиқ ҳолда 2003 йилда “Катта Яқин Шарқ” концепциясининг илгари сурилиши, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақаларининг янада “яқинлашуви”га хизмат қилди.

Яқин Шарқни қайта тиклаш режаси ҳақида илк бор, 2003 йилнинг 6 ноябрь куни АҚШ президенти Ж.Бушнинг Яқин Шарқ минтақасидаги янги ташқи сиёсатиға бағишланган нутқи чоғида эълон қилинган. Кўплаб экспертларнинг фикрича, мазкур стратегиядан кўзланган мақсад, Исроилнинг минтақадаги мавқеини мустаҳкамлаш ва АҚШ манфаатларига хизмат қилувчи тузумларни шакллантиришдан иборат. “Катта Яқин Шарқ”нинг чегараси географик жиҳатдан, бир томондан, Марокашдан Покистонгача, иккинчи томондан эса, Туркиядан Судангача бўлган ҳудудларни қамраб олган. Шундай қилиб, “Катта Яқин Шарқ” деганда, Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Ўрта Шарқ, Туркия ва Покистон каби давлатлар тушунилади.

2011 йилларда Яқин Шарқда юз берган демократлаштириш сиёсати, “Араб баҳори” воқеалари ва унинг оқибатлари Марказий Осиё давлатлари равнақиға ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди. Буларнинг бари, Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик ва барқарорлик муҳитига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Бугунги кунда етакчи давлатлар томонидан Яқин Шарқ ва Марказий Осиёни умумий макон сифатида боғлашға бўлган уринишлар, бир томондан ташқи кучларнинг Марказий Осиёға нисбатан таъсирини оширган бўлса, бошқа томондан Ғарб давлатлари, хусусан, АҚШнинг минтақада тобора кенг таъсир доирасига эга бўлиб бораётган Хитойнинг таъсир доирасини чеклашға қаратилган. Бу эса ўтмиш ва бугунги кунда Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзаро алоқадор эканини кўрсатади.

Цивилизацион жиҳатдан олганда, Яқин Шарқ минтақаси билан тарихан ўзаро боғлиқ бўлган Марказий Осиё аҳолисининг мазкур минтақа томон миграциялашуви, доимий характерға эга. Ислом динига эътиқод қилувчилар учун муқаддас саналган Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилиш, шунингдек, Ҳаж ва Умра амалларини бажариш кабилар ҳар иккала минтақа халқларининг доимий алоқада бўлишини таъминлаган. Тадқиқотчи олим Ш.Икромовнинг фикрича, бугунги кунда Саудия Арабистонида Марказий Осиё давлатлари фуқароларининг тахминан 1 миллиондан зиёди доимий асосда истиқомат қилади. Улар ҳозирги Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном ҳудудидан ўтган асрнинг биринчи ярмида (аксарият қисми) кўчиб борганлар. Муҳожирларнинг катта қисми этник ўзбеклар ва уйғурлардан иборат бўлиб, умумий ном билан туркистонийлар ёки бухорийлар деб юритилади.

Туркистонийлар/Бухорийлар Макка ва Мадинада 100 йилдан ортиқ вақт давомида истиқомат қилиб келганлар. “Аш-Шарқ ал-Авсат” рўзномасида қайд этилганидек, хижрий

1327 (1909) йилда Макка шаҳрида бухорийларнинг сони 20000 нафарни ёки Макка аҳолисининг 13,3 %ни ташкил этган. Ўша даврда Маккада араблардан иборат бўлмаган энг йирик этник гуруҳ ҳам айнан бухорийлардан иборат бўлган. Кейинчалик бухорийлар, иклими нисбатан мўътадил бўлган Тоиф ҳамда Жидда шаҳарлари бўйлаб тарқалган. Умуман олганда, Туркистоний муҳожирларнинг Яқин Шарқ минтақасига кўчиб келишини шартли равишда уч даврга ажратиш мумкин:

Биринчи давр, Ҳаж зиёрати билан боғлиқ бўлиб, Марказий Осиёдан келган зиёратчиларнинг маълум бир қисми, ўз ватандошларига хизмат кўрсатиш мақсадида, мазкур ҳудудда муҳожир сифатида қўним топганлар. Улар Макка ва Мадинага яқин жойлашган ҳудудларда хонақоҳлар (такялар) барпо этганлар. Қуддус шаҳридаги “Завия ўзбекия” номи билан машҳур бўлган такя бунга мисол бўла олади. Масжид Ал-Ақсога туташ ерларда жойлашган мазкур такяда хизмат қилувчи бухорий муҳожирларни XVI-XVII асрларда мазкур ҳудудларга келиб ўрнашган Нақшбандия тариқати сўфийлари жамоаси билан ўзаро боғлайдилар. Илмий манбаларда ушбу хонақоҳларнинг XVIII-XIX асрларда ҳам кенг фаолият олиб боргани хусусидаги маълумотлар учрайди.

Иккинчи давр, 1917 йилги Октябрь инқилоби, Ўрта Осиёдаги озодлик ҳаракатлари ва Хитойдаги маданий инқилоблар билан боғлиқ. Мисрлик олим Мунис Бухорийнинг фикрича, минтақамизда бошланган озодлик ҳаракатлари, кўпсонли муҳожирлар оқимини келтириб чиқарган. Дамашқ ҳудудида ҳам муҳожирлардан иборат жамоалар шаклланган. XX асрнинг 30-40 йилларига келиб, Қуддусдаги бухорийлар жамоасига Марказий Осиёдан кўплаб муҳожирлар келиб қўшилганлар. Исроил давлатига асос солингач, Қуддусдаги бухорий муҳожирларнинг бир қисми Иорданияга кўчиб ўтиб, Амман шаҳрида ўзларининг йирик жамоаларига асос солганлар.

Марказий Осиё халқларининг Яқин Шарққа томон ҳаракатланишининг *учинчи даври* 1991 йилдан кейинги давр, яъни минтақа давлатлари ўз миллий мустақиллигини қўлга киритган даврга тўғри келади. Маълумки, айти шу паллада Яқин Шарқ давлатлари билан кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Мазкур ҳамкорлик доирасида Марказий Осиёнинг малакали мутахассисларидан иборат муҳожирларнинг Яқин Шарқ давлатлари томон ҳаракатланиши нисбатан фаоллашганини кузатиш мумкин.

Бунда мигрантларни қабул қилувчи асосий давлатлардан бири, Туркия ҳисобланади. Ўзбекистондан Туркия томон йўл олган муҳожирларнинг дастлабки оқими 1991 йиллардан ҳаракатлана бошлаган. Аммо, Туркияда юз берган иқтисодий яхшиланишлар ва Ўзбекистонда ишсизликнинг авж олиши каби омиллар замирида 2000 ва 2010 йилларда миграцион оқимлар ниҳоятда фаоллашган. Туркияга йўл олувчи ўзбек муҳожирларининг улуши кескин ортгани муносабати билан, 2010-йилларнинг ўрталаридан бошлаб,

миграцион жараёнларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиб, мамлакатга киришни тақиқловчи янги қоидалар киритилди, бу эса кўплаб ўзбек муҳожирларининг ўз манзилини ўзгартиришига сабаб бўлди. Ҳозирда Туркияда меҳнат қилаётган ўзбек муҳожирлари сони тахминан 100 мингдан ортиқ кишини ташкил этади. 2021 йилда олинган маълумотларга кўра, Туркиядан Ўзбекистонга юборилувчи пул ўтказмаларининг миқдори 200 миллион АҚШ долларни ташкил этган.

Сўнгги йилларда Туркияга муҳожирларни етказиб берувчи Марказий Осиёнинг етакчи донор давлатларидан бири, Туркменистон Республикаси ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда туркман муҳожирларининг 78%и Туркияга, 14,3% Россияга, қолганлари эса, бошқа давлатлар томон ҳаракатланган. 2019 йилда Туркияга ташриф буюрган туркман муҳожирларининг умумий сони 80003 кишини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич ироклик муҳожирлардан кейинги иккинчи ўринни ташкил этган. 2021 йилда Туркияда рўйхатга олинган муҳожирларнинг умумий сони 127004 кишини ташкил этган.

Тахминларга кўра, 2023 йилда Туркия томон ҳаракатланувчи туркман муҳожирларининг умумий нисбатида камайиш кузатилиши мумкин. Бу, аввало Туркменистоннинг амалдаги янги раҳбарияти томонидан муҳожирларни фаол тарзда ортга қайтариш сиёсати олиб борилаётгани билан боғлиқ. Иккинчидан, Туркменистоннинг талаби асосида Туркия туркманлар учун 2022 йилнинг 13 сентябридан 30 кунлик визасиз режимни бекор қилгани муносабати билан, муҳожирлар оқидамида пасайиш тенденцияси кузатилиши мумкин.

Марказий Осиё муҳожирлари учун асосий йўналишлардан бири Россия давлатидир. Россиядаги меҳнат муҳожирларининг ярмидан кўпини Марказий Осиёнинг Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан иборат уч давлати ташкил этади. Халқаро меҳнат миграцияси томонидан берилган маълумотларга кўра, айти пайтда Россияда Марказий Осиёдан ташриф буюрган 4 млн.дан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Жумладан, Тожикистон ва Қирғизистондан 2 млн.га яқин, Ўзбекистондан 2 млн.га яқин ҳамда Қозоғистондан 200 мингга яқин ишчи Россияда хизмат қилаётгани маълум қилинган.

Марказий Осиёдан келган меҳнат муҳожирлари асосан қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари (мавсумий ва узоқ муддатли) ҳамда юқори малакали касбларда фаолият юритиб келмоқдалар. 2020 йилда Россиядан ўтказилган пул ўтказмалари ҳажми Қирғизистонда ЯИМнинг 31%ни, Тожикистонда ЯИМнинг 27%ни ҳамда Ўзбекистонда 11,6%ни ташкил этган. 2021 йилда Россиядан амалга оширилган пул ўтказмаларининг умумий ҳажми, Ўзбекистонга хориждан ўтказилган жами пул ўтказмаларининг 55%ни, Қозоғистонга эса, жами ўтказмаларнинг 51%ини ташкил этган.

Яқин Шарқдаги миграцион жараёнларнинг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон хавфсизлиги ва барқарорлигига таъсирини таҳлил этган ҳолда, унинг миграцион жараёнларнинг радикаллашуви билан боғлиқ тарзда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Марказий Осиёдаги миграцион жараёнлар таҳлили, уларга кўплаб омиллар таъсир қилаётганини кўрсатмоқда. Мазкур омиллар қуйидагилардан иборат:

- сиёсий беқарорликни бошдан кечираётган Афғонистонга ҳудудий жиҳатдан яқинлик. Мазкур давлат ҳудудида юз бераётган низоли вазият ва бунинг оқибатида юзага келган иқтисодий муаммолар таъсирида, йирик миграцион оқимлар вужудга келмоқда;

- меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ортиши ҳисобидан ишсизлик даражасининг ошиши;

- иқлим ўзгариши кабилар шулар жумласидандир.

Тошкент воқеаларидан бир йил аввал, яъни 1998 йилнинг 16 февраль куни Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган брифингда Покистондаги “Ҳизби Ҳаракати Жиход”, “Даъватул Иршод” ва “Покистон ислом уламолари жамияти” каби экстремистик марказ ва ташкилотлар хомийлигида Пешавор шаҳри яқинидаги диний ўқув юртларида Фарғона водийсидан бўлган ёшлар таҳсил олаётгани, шунингдек, бундан кўзланган мақсад Ўзбекистондаги вазиятни издан чиқаришга қаратилгани маълум қилинган.

Бундан кўришиб турибдики, кейинги йилларда юртимизда содир бўлган террористик ҳаракатлар бевосита ташқи кучларнинг таъсирида ҳамда узоқ муддатли тайёргарлик асосида ташкил этилган. Яқин Шарқ давлатларида жойлашган террорчилик гуруҳлари экспансияси, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига жиддий хавф солмоқда. Қозоғистонлик олим А. Мақсудовнинг фикрича, мавжуд ҳолат ИШИДнинг Суриядаги ҳарбий мағлубияти ва унинг оғирлик маркази Яқин Шарқдан Марказий Осиёга кўчгани билан характерланади. Юзага келган вазият, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш жараёнининг бир неча сабабларга кўра, мураккаблашиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу, аввало, терроризмнинг кенг авж олиши ва экстремистик гуруҳлар фаолиятининг кучайиши; иккинчидан, АҚШнинг Марказий Осиёдаги ўз позициясини мустаҳкамлаш мақсадида рақобатга киришиши; учинчидан, ИШИДнинг минтақада ўз ўрнини эгаллашга тайёрлигини маълум қилиши; тўртинчидан, Суриядаги жангарилар орасида Марказий Осиё давлатлари фуқароларининг ҳам фаолият юритганлиги шулар жумласидандир

ЕИнинг Сурияни тиклаш бўйича стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири, Сурияда фаолият олиб бораётган хорижлик жангарилар ва уларнинг оила аъзоларини ўз Ватанига қайтаришдан иборат. 2019 йилнинг июнь ойида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелет Суриядаги хорижлик жангариларнинг оила

аъзолари, шу жумладан, 29 мингга яқин болани ўз ватанига қайтаришга чақирган. Халқаро кутқарув қўмитаси маълумотларига кўра, Сурияда дунёнинг 40 давлатидан 12 мингга яқин ажнабий, яъни 4 минг аёл ва 8 минг бола сақланмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўз ихтиёри билан террорчи гуруҳлар таркибига қўшилиш мақсадида низоли ҳудудларга ташриф буюрганларнинг ортга қайтиши мураккаб кечмоқда. Суриянинг террорчилар назоратидаги ҳудудларидан озод қилинган собиқ жангарилар ва уларнинг оила аъзолари маҳкумлар учун ажратилган лагерларда сақланади. Уларни жавобгарликка тортиш, реабилитация қилиш ва жамиятга қайтариш комплекс чора-тадбирлардан иборат бўлган мураккаб жараён ҳисобланади. Шу боисдан, кўплаб давлатлар потенциал террорчиларни ўз юртига олиб киришни истамайдилар.

Юқорида таъкидланганидек, 2016-2020 йиллар давомида хавфсизлик ва барқарорликни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида кенг кўламли, изчил сиёсат олиб борилмоқда. Буни хорижий давлатлардаги фуқароларимизнинг мавжуд муаммоларини тезкор ва ижобий ҳал қилиш, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ватанимизга қайтариш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, 2019 йилда давлатимиз раҳбари бошчилигида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йилнинг 21 декабрь кунда қабул қилинган 2396 (2017)-сонли резолюциясига мувофиқ ҳолда, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасида ноёб ва мисли кўрилмаган тадбир, яъни “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик операциялари амалга оширилди. Кейинчалик мазкур тадбир “Меҳр-3”, “Меҳр-4” ва “Меҳр-5” номлари остида давом эттирилди. Умуман олганда, мазкур операциялар доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволга тушиб қолган 438 нафар аёллар ва болалар юртимизга олиб келинди. Жумладан, 2019 йил май ойида ўтказилган “Меҳр-1” операцияси доирасида [Суриядан](#) 156 нафар ўзбекистонлик (асосан аёллар ва болалар), 2019 йилнинг октябрь ойида амалга оширилган “Меҳр-2” операцияси давомида [Ироқдан](#) 64 нафар ўзбекистонлик бола, 2020 йилнинг декабрь ойида ўтказилган “Меҳр-3” операцияси натижасида [Суриядан](#) 98 нафар (25 нафар аёл ва 73 нафар бола,) 2021 йилнинг март ойида ташкил этилган “Меҳр-4” операциясида [Афғонистондан](#) 24 нафар фуқаро Ўзбекистонга қайтарилган бўлса, 2021 йилнинг апрель ойида “Меҳр-5” операцияси давомида 93 нафар ўзбекистонлик (29 нафар аёл ва 69 нафар бола) Суриядан Тошкентга олиб келинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Меҳр-5” операцияси натижасида Суриядаги уруш кетаётган “қайноқ нуқталарга” бориб қолиб, “Ал-Ҳол” лагерида 3 йилдан ортиқ вақт давомида ушлаб турилган аёллар ва болалардан иборат бўлган 93 нафар Ўзбекистон фуқаролари АҚШ ва бошқа ҳамкор давлатлар кўмаги юртимизга қайтарилди.

Махсус ишчи гуруҳ томонидан кўплаб давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солувчи халқаро террористик ташкилотлардаги фаолияти учун узоқ муддатли ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган ўзбекистонлик аёллар билан музокаралар олиб борилиб, улардан фарзандларини қайтаришга розилик олинган. Афсуски, ушбу аёлларнинг турмуш ўртоқлари ҳамон террорчи ташкилотлар сафида қолмоқда, уларнинг бир қисми уруш вақтида ўлдирилган, қолганлари эса, Ироқ ва Суриядаги қамоқхоналарда жазо муддатини ўтамоқдалар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Яқин Шарқдаги миграцион жараёнларнинг Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги ва барқарорлигига таъсири қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

Биринчидан, Яқин Шарқ географик жиҳатдан Марказий Осиё давлатлари билан чегарадош эканини ҳисобга олган ҳолда, глобаллашув шароитида беқарор вазиятни келтириб чиқарувчи омиллар трансмиллий хусусят касб этиши мумкинлиги борасидаги хулосага келиш мумкин бўлади. Шу боисдан, Марказий Осиё минтақаси Яқин Шарқда кузатилаётган беқарор вазиятнинг салбий оқибатлари ва таъсиридан ҳимояланганлиги юзасидан фикр билдириб бўлмайди.

Иккинчидан, хорижий давлатлардаги меҳнат муҳожирлари ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги алоқаларнинг тўлақонли йўлга қўйилмаганлиги ва бу борадаги мавжуд камчиликлар хорижда, хусусан, Россияда малакасиз мигрантларнинг турли диний ташкилотлар мафкурасига қўшилиб қолишига, натижада уларнинг Яқин Шарқдаги низо марказларига ислом динини ҳимоя қилиш ғояси таъсирида кўчиб ўтаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Учинчидан, Марказий Осиёнинг Афғонистон билан бевосита чегарадошлиги, шунингдек, Яқин Шарқдаги турли экстремистик ҳаракатларнинг беқарор бўлган Афғонистонга тўсиқларсиз кўчиб ўтиши, бу ерда турли миллатлар, хусусан, Марказий Осиёлик ёлланма жангариларнинг Ўзбекистон ислом ҳаракати ва ИШИД каби террористик ташкилотлар фаолиятига кириб қолишига сабаб бўлмоқда.

Тўртинчидан, Яқин Шарқдаги низоли ҳудудлар, хусусан, Суриядаги ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этган Марказий Осиё давлатлари фуқароларнинг турли йўллар билан ўз Ватанларига қайтиши ва уларнинг мақсадалари тўлиқ ошкор этилмаслиги кабилар минтақамизга хавфсизлиги ва барқарорлини хавф остида қолдириши табиий.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Кадирова З. Образовательная миграция из стран Центральной Азии // Миграции в Центральной Азии и России: мобильность человеческого капитала. Под редакцией М.А.Олимова и С.К.Олимовой. – Душанбе: ЭР-граф, 2022. – СС. 290-304.

2. Фойибназаров Ш. Ислом терроризмга қарши. – Тошкент, Ўзбекистон НМИУ, 2021. – Б. 204.
3. Максакова Л. Мобильность человеческого капитала: текущие тренды и государственная политика Республики Узбекистан // Миграции в Центральной Азии и России: мобильность человеческого капитала. Под редакцией М.А.Олимова и С.К.Олимовой. – Душанбе: ЭР-граф, 2022. – СС. 89-108.
4. Э.Мухитдинов. Сколько трудовых мигрантов вернулось в Узбекистан из-за пандемии. // URL.: <https://uz.sputniknews.ru/20200530/Skolko-trudovykh-migrantov-vernulos-v-Uzbekistan-iz-za-pandemii-14251024.html>
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 443.
6. Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. -Т.ЖИДУ, 2005. -Б.5.
7. Бжезинский З. Буюк шахмат тахтаси: америка ҳукмронлиги ва унинг геостратегик императивлари. // Инглиз тилидан “Шарқшунос таҳлилчилар” жамоаси таржимаси. - Т.: Тирилиш, 2022. -Б.169-171.
8. Евсеев В.В. Концепция «Большой Ближний Восток» под углом национальной безопасности // Национальная безопасность. – 2013. – №.4(27). – СС.620-628.
9. Мирский Г.И. Большой Ближний Восток — самый конфликтный регион мира // <http://www.wpress.ru/text/200704171449.htm>
10. Икромов Ш. Саудия Арабистонидаги ўзбек генераллари ёхуд муҳожиротдаги туркистонийлар ҳақида // <https://www.uzanalytics.com/tarix/7356/> - May 5, 2020
11. Urinboyev R., Eraliev Sh. The Political Economy of Non-Western Migration Regimes: Central Asian Migrant Workers in Russia and Turkey // The Political Economy of Non-Western Migration Regimes // - Switzerland: Palgrave Macmillan, 2022. -P. 55.
12. «Метеожурнал»: в 2019 году из Туркменистана выехали 110 тысяч человек // <https://www.hronikatm.com/2021/05/2019-mass-migration/> - 03 мая 2021
13. Турция отменила безвизовый въезд для граждан Туркменистана // <https://www.gazeta.uz/ru/2022/09/14/turkmenistan-turkey/> - 14 сентября 2022
14. Sanctions on Russia already hitting remittance-dependent countries in Central Asia: ИОМ // <https://news.un.org/en/story/2022/06/1120502>
15. Ислам и светское государство. – Ташкент: Международный фонд Имама ал-Бухари, 2003. – С. 109.
16. Максудов А. Центральная Азия сталкивается с серьезными вызовами своей безопасности ввиду экспансии таких террористических и такфиристских группировок, как ИГИЛ // Интернет-газета «ZonaKZ» – Алма-Ата, Казахстан. – 2019 // URL.:

<https://zonakz.net/2019/10/31/centralnaya-aziya-stalkivaetsya-s-sereznyimi-vyzovami-svoej-bezopasnosti-vvidu-ekspansii-takix-terroristicheskix-i-takfiristskix-gruppirovok-kak-igil>

17. Абдуллаев Н. Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар шароитида Суриянинг сиёсий трансформацияси. – сиёс. фан. док. (DSc) дисс. – Тошкент.: ЎзМУ, 2021. – Б. 219.

18. «Мехр-5» операцияси: 93 нафар ўзбекистонлик Суриядан олиб келинди // URL.: <https://www.gazeta.uz/uz/2021/04/30/mehr/>